ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

БАХРАМОВ ФУРКАТ ШУХРАТОВИЧ

ЎН БЕШ ЙИЛЛИК РЕТРО- ВА ПРОСПЕКТИВ ТАДҚИҚОТЛАРГА АСОСЛАНГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ОРАСИДА НАРКОТИКЛАРГА ҚАРАМЛИКНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ДИНАМИКАСИ

14.00.18 – «Психиатрия ва наркология»

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2018 й.

УДК:616.89-008.441.13:616.9-084:616-074/078

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on medical sciences

Бахрамов Фуркат Шухратович
Ўн беш йиллик ретро- ва проспектив тадқиқотларга асосланган Тошкент шаҳри аҳолиси орасида наркотикларга қарамликнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари динамикаси.....3

Бахрамов Фуркат Шухратович
Динамика клинико-эпидемиологических характеристик наркотической зависимости среди населения г. Ташкента по данным пятнадцатилетнего ретро- и проспективного исследования.....25

Bakhramov Furkat Shukhratovich
Dynamics of clinical and epidemiological characteristics of drug addiction among the population of the Tashkent on the data of 15-year retro- and prospective research.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....51

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

БАХРАМОВ ФУРКАТ ШУХРАТОВИЧ

ЎН БЕШ ЙИЛЛИК РЕТРО- ВА ПРОСПЕКТИВ ТАДҚИҚОТЛАРГА АСОСЛАНГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ОРАСИДА НАРКОТИКЛАРГА ҚАРАМЛИКНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ДИНАМИКАСИ

14.00.18 – «Психиатрия ва наркология»

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2018 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib210 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Турсунходжаева Людмила Александровна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ходжаева Назира Исламовна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Имамов Акбар Хаджаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51-уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____рақамли баённомаси)

Х.А. Акилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

У.Х. Алимов
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда наркотикларга тобелик аҳолининг саломатлигига, иқтисодиётига, ижтимоий соҳасига ва ҳуқуқий тартибига таҳдид солгани боис давримизнинг глобал муаммоларидан бири деб эътироф этилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича Бошқармасининг маълумотларига кўра, «дунё аҳолиси орасида 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган 250 миллионга яқин одам наркотиклар истеъмол қилиб кўрган. Натижада 29 миллиондан ортиқ наркотик истеъмол қилувчилар турли хил касалликлардан азият чекмоқда. Бу рақам наркотикларни инъекция йўли билан истеъмол қилувчи 12 миллион кишини ҳам ўз ичига олади, улардан 14% ОИВ билан яшайди»[1]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «дунёда 2 миллиарддан ортиқ инсонлар алкогол ичимликларини, 1,3 миллиард инсон тамаки ва никотин махсулотларини, 200 миллион инсон эса тақиқланган наркотикларни истеъмол қилади»[2].

Жаҳонда наркотикларга тобеликнинг профилактикаси, эрта ташҳислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитациялаш муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, наркоманиянинг соматоневрологик асоратлари мавжуд бўлган беморлар аҳволининг оғирлашуви, икки ёки бир нечта психоактив моддаларга полиқарамлик ҳолатларининг кўпайиши ва беморларнинг ижтимоий адаптация даражасини пасайиши ушбу муаммо долзарблигини янада оширмоқда. Бу борада наркологик вазиятни вақти-вақти билан ўзгариб туриши омилларини аниқлаш; наркотикларга қарам беморлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш; эрта ташҳислаш ва даволашни оптималлаштириш; реабилитациялаш ва уларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигига эришиш махсус ахамиятга эга. Наркологик вазият динамикаси жараёнига таъсир этувчи омилларни ҳар томонлама мукаммал таҳлил қилишга, наркологик хизматнинг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш ва ҳажмини кенгайтиришга, наркотикларга тобе бўлиб қолганларга ижтимоий ёрдамни ривожлантиришга қаратилган ва янада самаралироқ терапевтик технологияларни жорий этиш бўйича адекват чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан турли наркологик касалликларни ташҳислаш, даволаш, тиббий-ижтимоий реабилитациялаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаражасини янги босқичга кўтаришда «...касалликларнинг олдини олиш ва диагностика қилиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш,

---

[1] Управление ООН по наркотикам и преступности (UNODC): Резюме Всемирного доклада о наркотиках 2016 года. - Вена/Нью-Йорк. - С.1-4.

[2] World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: http/www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm;2014.

юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш»[3] муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жумладан наркотикларга тобеликнинг клиник кўринишлари ва кечиш вариантларининг ўзгариш қонуниятларини билиш, ўз навбатида янада самаралироқ даволаш-реабилитациялаш дастурларини ишлаб чиқиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралидаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 4947-сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эпидемиологик тадқиқотларни таҳлил қилиниши, наркотикларга тобелик билан касалланиш ва унинг тарқалганлиги, аҳоли популяциясида ушбу кўрсаткичларнинг вақти вақти билан ўзгариб туриши ва аҳолининг алоҳида гуруҳлари орасида уларнинг фарқи тўғрисида маълумотлар тўплашда шундай тадқиқотларнинг зарурлигини исботлади. Таъкидланишича, бундай тадқиқотлар наркотикларга тобеликнинг профилактикаси муаммоларини ҳал этишда, наркотикларга қарам беморлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда, эрта ташҳислаш, даволаш, реабилитациялаш ва уларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади (Е.А. Кошкина, В.В. Киржанова; 2008; М. Нильсон ва ҳаммуал.; 2010). Наркоманиялар эпидемиологиясининг кўп омиллилигини ҳисобга олган ҳолда, олинган натижаларни математик қайта ишлашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш наркотиклар истеъмол қилувчилар учун профилактик стратегиялар ва хизматларнинг ижобий ривожланишини таъминлашга имкон беради. Шу билан бирга, наркоманиянинг эпидемиологик кўрсаткичлари динамикасига таъсир кўрсатувчи ва наркологик вазиятни прогнозлаш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган омилларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар жуда кам. Уларнинг асосида бажарилган прогнозлар кўпинча пуч бўлмоқда ва ишончли статистика билан етарлича асосланмаяпти.

Касалликнинг кўп омилли хусусияти ва ахборот тўплашнинг кўплаб усулларидан келиб чиқиб турли муаллифлар хулосаларининг қарама-қаршилигига қарамай, аксарият тадқиқотларда наркотикларга қарамлик ривожланишининг ижтимоий, психологик ва биологик омиллар ҳисобига асосланган модели тан олинди (И.П. Анохина; 2008; Л.А.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947 сон Фармони

Турсунходжаева, Ж.Т. Рустамова; 2008; Р.К. Назыров ва ҳаммуаллифлар; 2014; L. Khouryetal.; 2010). Шунга кўра, генетик, психосоциал, токсик ва метаболик жихатли хавф омилларини ўрганишга бағишланган кенг кўламдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда (И.П. Анохина ва ҳаммуаллифлар; 2008; М.О. Андреев; 2012; В.С. Баранов, Е.В. Баранова; 2012; А.О. Кибитов, И.П. Анохина; 2016; W. Zhouetal; 2009; J.M. Bossertetal; 2011).

Наркотикларга қарамлик синдромининг клиник кўринишлари ва босқичлари етарлича яхши ўрганилган, барча наркоманиялар учун хос бўлган умумий белгилар билан бирга наркотик моддалар турига боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятлар ҳам аниқланган (И.Н. Пятницкая; 2008; С.О. Мохначев; 2008; Л.К.Шайдукова; 2011). Наркотикларга қарамликнинг кечишидаги салбий силжишлар эпидемиологик, ижтимоий-маданий ва шахсий омиллар йиғиндисининг салбий таъсир кўрсатишига боғлиқлиги белгиланди. Наркотиларга қарамликнинг клиник кўринишининг прогредиентлигига ва патоморфозига этномаданий хусусиятларнинг таъсири аниқланди (М.Н. Малахов; 2010). Касалликнинг ижобий ва салбий оқибатларини прогнозлашга ҳаракат қилинди (Н.Н. Иванец ва ҳаммуаллифлар; 2006; В.В.Чертов; 2007; Т.В. Клименко ва ҳаммуаллифлар; 2016). Наркотикларнинг суиистеъмоли наркоманияларнинг тобора ёмон сифатли кечишига олиб келиши аниқланди. Хусусан, жуда кенг тарқалиб бораётган таниқли клиник феномен, опиоидларга қарамликнинг алкоголизм билан мураккабланиши бўлди (Д.И. Кургак; 2007).

Шу билан бирга, замонавий босқичда наркоманиялар патоморфози, кечиши ва прогнозини аниқлаб берувчи омилларнинг яхлит ва мукаммал таҳлили адабиётларда деярли учрамайди. Опий наркоманияларининг трансформацияси масалалари етарлича ўрганилмай қолмоқда, полинаркомания ёки асоратланган наркоманиялар мавзусидаги илмий тадқиқотлар эса камдан-кам учрайди. Бу, опиоидларга қарамликнинг кечиши ва оқибатлари қонуниятлари тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантириш учун беморларни узоқ муддат кузатишга асосланган клиник-катамнестик тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини кўрсатади. Бундай тадқиқотлар, ўз навбатида, ҳозирги вақтда, наркотикларга қарам бўлганлар ҳаёти сифатини яхшилашда ва турғун ремиссияларга эришишда муҳим бўлган янада самарали даволаш-реабилитация дастурларини ишлаб чиқиш имкониятларини очади (Л.П.Назаренко ва ҳаммуаллифлар, 2008; А.Л. Катков, Н.Б. Ережепов; 2010; Е.В.Ережепов; 2010; Т.В.Клименко; 2016).

Республикамизда наркоманиялар муаммоларига бағишланган илмий ишлар нисбатан кам (Н.И. Ходжаева, У.И.Кучкаров; 2009; Л.А. Турсунходжаева ва ҳаммуаллифлар; 2015; Ф.А. Шигакова; 2016; В.К. Абдуллаева; 2017). Юқорида баён қилинганлар муносабати билан наркотикларга тобеликнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари динамикаси таҳлили долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Ташҳислаш, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади наркотикларга қарамликнинг тарқалганлигига таъсир этувчи омиллар мажмуини белгилаш, унинг кечиши ва оқибатлари прогнозини эрта баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2000 йилдан 2015 йилгача Тошкент шаҳрида наркоманиялар бўйича эпидемиологик кўрсаткичлар динамикасини баҳолаш;

Тошкент шаҳрида инъекцион наркотикларни истеъмол қилувчиларнинг «яширин» контингенти сонини ва опиоидларга қарамликнинг тарқалганлигини «латент» наркотик истеъмолчиларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;

наркоманияларнинг эпидемиологик кўрсаткичлари динамикасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

опиоидларга қарамликларнинг кечиши қонуниятларини 15 йиллик катамнез маълумотларга кўра ўрганиш, касалликнинг клиник динамикаси ва оқибатлари вариантларини аниқлаш;

опий наркоманиясига чалинган беморларда касалликнинг динамикаси ва оқибатларидаги фарқларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш;

касалликнинг динамикаси ва оқибатларидаги фарқларни келтириб чиқарувчи омиллар мажмуини ҳисобга олган ҳолда опиоидларга қарамликнинг кечишини эрта прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти давлат ва идоравий статистик ҳисоботлари, тиббий ҳужжатлар (наркотикларга қарамларнинг амбулатор карталари ва касаллик тариҳлари), опиоидларга қарам бўлган 120 нафар бемор бўлди.

Тадқиқотнинг предметини наркоманиялар бўйича эпидемиологик кўрсаткичлар динамикаси, наркотикларга қарамликнинг ижтимоий-демографик, ижтимоий-психологик, клиник-динамик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Бевосита ва билвосита эпидемиологик усуллар, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

Тошкент шаҳрида опий наркоманиялари тарқалганлигининг камайиши улар билан бирламчи касалланиш кўрсаткичларининг пасайиб бориши ҳисобига рўй бераётганлиги аниқланган;

наркоманиялар бўйича вазият динамикасида наркотиклардан бутунлай воз кечиш ҳолатларининг нисбатан ортиши, наркотикларга тобе беморларнинг наркотиклар дозасини кескин ошириб юбориш ва парентерал инфекцияларга йўлиқиш (гепатит С) билан боғлиқ бўлган хавфли хулқ-атворининг камайиши исботланган;

опиоидлар ва каннабиноидларга тобе беморлардаги турғун ремиссияларнинг шаклланиши ижтимоий-психологик ва биологик омилларга боғлиқлиги аниқланган;

наркотиклар истеъмол қилинишининг ҳозирги кундаги усуллари, опиоидларга қарамликнинг кечиши ва оқибатларининг вариантлари белгиланган, унинг динамикасига таъсир этувчи преморбиддаги биологик, психологик ва ижтимоий омиллар асосланган;

опий наркоманияси кечишининг эрта прогнозлаш учун илк бор биологик, психологик ва ижтимоий мезонлар аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

эҳтимоллик прогнозлаш асосида опиоидларга қарамликнинг кечиши ва оқибатларини эрта прогнозлаш омилларини интеграл баҳолаш усули ишлаб чиқилди;

прогностик жиҳатдан муҳим омиллар мажмуига кирувчи ҳар бир белги учун прогностик коэффициентларнинг кўрсаткичлари белгиланди;

опиоид қарамлик кечишининг барча аниқланган вариантлари учун прогностик матрицалар ишлаб чиқилди;

турғун ремиссиялар шаклланиши эҳтимоли, опиоидларга қарамликнинг алкоголизмга трансформацияланиши ёки унинг бир ёки бир нечта психофаол моддаларга поликарамликка ўтиши хавфи эҳтимолининг диапазонлари аниқланди;

тавсия этилган усулдан касалликнинг эрта босқичларидаёқ опиоидларга қарамликнинг кечиши вариантлари эҳтимоллигини прогнозлаш мақсадида фойдаланиш имкониятлари исботланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот иши натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг объектив клиник, экспериментал-психологик ва статистик усулларини қўллаш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, наркотикларга қарамликнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари, опий наркоманиялари динамикасининг вариантлари ва трансформациялари ҳақидаги илмий қарашларга ўз ҳиссасини қўшади, ҳамда касалликнинг эрта босқичларидаёқ опиоидларга қарамликнинг кечишини прогнозлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, опиоидларга қарамликнинг кечишини прогностик баҳолаш учун тавсия этилган усул амбулатор ва стационар наркологик муассасаларида даволаш самарадорлигини прогнозлашда, рецидивга қарши индивидуал терапияни режалаштиришда, наркотикларга қарамларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси дастурларини ишлаб чиқишда кенг қўлланиши мумкин. Бу, ўз навбатида, аҳолига наркологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент шаҳри аҳолиси орасида наркотикларга қарамликнинг 15 йиллик ретро- ва проспектив тадқиқоти натижалари асосида:

«Опиоидларга қарамликнинг кечиши ва оқибатларини эҳтимоллик прогнозининг омилларини интеграл баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

2018 йил 16 январдаги 8н-р/4-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома опиоидларга қарамлик кечишини эрта прогнозлашга ва унинг салбий оқибатларини олдини олишга ёндашувларни оптималлаштиришга имкон беради.

15 йиллик ретро- ва проспектив тадқиқотларга асосланган Тошкент шаҳрида наркоманияларнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, Республика наркология маркази фаолиятига, Тошкент шаҳар мажбурий даволаш наркология шифохонасининг амалиётига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 январдаги 8н-д/17-сонли маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ҳеч қандай қўшимча сарф-харажатларсиз, турғун ремиссияларга эришишга ва опиоидларга қарамликнинг салбий оқибатларини олдини олишга йўналтирилган даволаш-реабилитациялаш ва профилактика дастурлари самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та ҳалқаро съездда, 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан 9 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларининг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия этган журналларда, 2 таси хорижий журналларда. 6 та тезис, 1 та услубий тавсиянома нашр қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация хажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Наркотикларга қарамликнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси ёритилган ҳудудий ва хорижий илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Наркотикларга қарамликнинг эпидемиологияси, этиологияси, клиник белгилари, кечиши ва тиббий-ижтимоий оқибатларининг вариантлари, шунингдек, наркотикларга қарамликнинг олдини олиш ва даволашнинг замонавий усуллари, ушбу мавзу юзасидан илмий тадқиқотларни давом эттириш заруратининг таҳлили

ҳақидаги илмий маълумотлар ёритилган учта бўлимда адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **«Тошкент шаҳрида наркотикларга қарамликнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари динамикасининг клиник материаллари умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг эпидемиологик, клиник, клиник-катамнестик ва экспериментал-психологик усулларининг умумий тавсифини ўз ичига олган тадқиқот материаллари ва методлари тасвирланган.

Клиник-эпидемиологик тадқиқотда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидагилар белгиланди:

- аҳоли орасида наркотикларга қарамлик билан касалланиш ва унинг тарқалганлиги кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш, наркотикларга қарам шахсларнинг жинси-ёши таркибидаги ўзгаришлар ва ижтимоий-демографик хусусиятлари, наркотикларни истеъмол қилиш моделлари, тиббий-ижтимоий оқибатларнинг қанчалик кўп учрашини тадқиқ қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000-2015 йиллардаги давлат ва идоравий статистика ҳисоботлари шаклларини таҳлил қилиш.

- 2012 ва 2015 йилларда Тошкент шаҳри аҳолиси орасида наркотикларни инъекцион қабул қилишнинг тарқалганлигини наркотик истеъмолчиларнинг «яширин» контингенти сонини ҳисобга олиш ва уларнинг аниқланиш даражасини баҳолашга имкон берувчи «қайтадан илғаб олиш» ва «кўпаядиган коэффициентлар» билвосита эпидемиологик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш;

- наркотикларга қарамликнинг динамикасини ретро- ва проспектив баҳолаш учун Тошкент шаҳар наркология диспансерида 2001 йилдан кеч бўлмаган вақтда рўйхатга олинган 15 йилдан ортиқ вақт давомида касаллиги давом этаётган 860 нафар (775 та эркак ва 85 та аёл) наркотикларга қарам беморларнинг тиббий ҳужжатларини мутассил ўрганиш.

- 2001 йилдан кеч бўлмаган вақтда аниқланиб ва тадқиқотга қадар Тошкент шаҳар наркология диспансери кузатувида бўлган, опиоидларга қарам 120 нафар беморларни бевосита текшириш, кейинчалик бу контингентни 5 йил давомида проспектив кузатиш (2012-2016 йиллар).

Беморлар тадқиқотга қуйидаги мезонлар асосида киритилди: тадқиқот вақтида Ўзбекистон Республикасида учрайдиган наркотикларга қарамликнинг исталган клиник шаклининг мавжудлиги (КХТ-10 F11, F12, F19 шифрлар), касаллик давомийлиги 15 йилдан ортиқ ва Тошкент шаҳар наркология диспансерига 2001 йилгача тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган беморлар.

Тадқиқотдан ташқари бўлган мезон руҳий касалликлар муассасасида динамик назоратда бўлишни талаб этувчи коморбид руҳий патологиянинг мавжудлигидир.

Беморлар шахсининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун клиник усуллар билан бир қаторда MMPI (Minnesota Multiphasic Personality Inventory) усулининг Ф.Б. Березин ва ҳаммуаллифлар модификациясида [1976] адаптацияланган вариантини ўзида акс эттирувчи ва шахсни текширишнинг кўп профилли усули ШТКУ тестидан фойдаланилди.

Олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компьютерда Microsoft Office

Exel-2012 дастури пакети ёрдамида статистик қайта ишлаш асосида ўрнатилган функциялардан фойдаланишни ўз ичига олган статистик қайта ишлашда тасдиқланди. Миқдорий ва сифат белгилар ўртасидаги муносабатни белгилаш учун нисбий катталикларни, ўртача арифметик кўрсаткичларни, Пирсон (С) коэффициент боғлиқлигини ҳисобга олиб ўзгарувчан статистика усулларини қўлладик. Опиоид қарамлик давомийлигининг прогнози омилларини интеграл баҳолаш учун Байес усулининг Е. Н. Шиган томонидан модификацияланган туридан фойдаланилди (1986).

Босқичли кузатув бошланган вақтдаги беморларнинг ёши 34 ёшдан 62 ёшгачани ташкил этди (ўртача ёш 45,7 ± 5,6 ёш). Опиатларни суисъмол қилиш давомийлиги 11 йилдан 17 йилгача бўлган диапазонда ўзгариб турди (ўртача давомийлик 14,6 ± 1,7 йил).

Диссертациянинг «**Тошкент шаҳри аҳолиси орасида наркотикларга қарамликнинг эпидемиологик хусусиятлари динамикаси»** деб номланган учинчи бобида наркотикларни истеъмол қилувчиларнинг «яширин» контингенти сонини ҳисобга олиб наркотик моддаларга қарамликнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганишнинг натижалари келтирилган. Эпидемиологик вазиятларни таҳлил қилишда наркотиклар истеъмол қилишнинг аҳоли орасида тарқалганлиги, наркотикларни муаммоли истеъмол қилиш, ўлим сони ва наркотиклар истеъмол қилувчилар орасидаги ўлим натижалари, гиёҳвандларда даволанишга бўлган талаб ва улардаги инфекцион касалликларни ўз ичига олган бешта асосий индикаторлардан фойдаланиш тўғрисидаги гиёҳванд моддалар ва уларни истеъмол қилишни мониторинг қилувчи Европа маркази тавсияларини ҳисобга олдик.

Расмий тиббий статистика маълумотларини ўрганиш Тошкент шаҳрида наркотикларга қарамлик тарқалганлигининг максимал кўрсаткичи 2001 йил 100 минг аҳолига 197,9 ҳолатда қайд этилди. Сўнгги 10 йилликда умумий касалланиш жами 1,1 марта пасайиб, 2010 йилда 100 минг аҳолига 184,0 ҳолатни ташкил этди ва фақат 2010 йилдан унинг барқарор пасайиши аниқланди ва касалланиш кўрсаткичларининг пасайиш суръати сезиларли ортиб борди. 2015 йилнинг сўнггида наркоманиянинг тарқалганлиги 2010 йил билан таққослаганда 100 минг аҳолига 87,0 ҳолатни ташкил этиб 2,1 мартага пасайди. Динамик қаторни энг кичик квадратлар усули билан тенглаштиришдан сўнг, тарқалганликнинг мутлақо камайган кўрсаткичи йилига ўртача - 4,48ни, пасайишнинг ўртача темпи – 2,6%ни, 1% камайишнинг ўртача кўрсаткичи – 1,72%ни ташкил этди.

Тошкент шаҳри аҳолиси орасида гиёҳвандлик билан биринчи марта касалланишнинг энг юқори кўрсаткичи 2000 йил 100 минг аҳолига 65,9 ҳолатда қайд этилган. 2001 йилдан у сезиларли пасайишни бошлади ва 2002 йилда 100 минг аҳолига 28,3 ҳолатни ташкил этиб 2,3 мартага камайди. 10 йил мобайнида наркомания билан биринчи марта касалланиш 2010 йилнинг сўнггида 100 минг аҳолига 14,5 ҳолатни ташкил этиб 4,5 мартага қисқарди, 2015 йил сўнггига келиб эса 2000 йил билан таққослаганда 100 минг аҳолига 6,5 ҳолатни ташкил этиб 10,1 мартага камайди. Динамик қатор кўрсаткичларини тенглаштиришда наркомания билан биринчи марта

касалланиш даражасининг ҳар йили ўртача 12,6%га пасайишга мойиллиги аниқланди.

Кўрсатилган эпидемиологик кўрсаткичларнинг параллел таҳлил қилиш Тошкент шаҳрида наркомания тарқалганлигининг пасайиши 2000-2001 йилларда қайд этилган наркотик истеъмол қилувчиларнинг оммавий оқимининг тўхташи ёки уларни аниқланишининг ёмонлашгани билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган бирламчи касалланишнинг пасайиши ҳисобига юз беради.

Шунга кўра, «қайтадан илғаб олиш» ва «кўпайган коэффициентлар» билвосита эпидемиологик усуллар ёрдамида Тошкент шаҳрида 2012 ва 2015 йилларда наркотик истеъмолчиларининг «яширин» контингенти сони ва наркотикларни инъекцион истеъмол қилиш тарқалганлигини ўрганиш тақозо этилди. Натижалар 2012 йилда наркотикларни инъекцион истеъмол қилишнинг тарқалганлиги «қайтадан илғаб олиш» усулидан фойдаланилганда 100 минг аҳолига 72,0 ҳолатни ва «кўпайган коэффициентлар» усулини қўллаганда 100 минг аҳолига 73,3 ҳолатни ташкил этганини кўрсатди, расмий рўйхатга олинган наркотикларни инъекцион истеъмол қилишнинг тарқалганлиги 100 минг аҳолига 32,3 ҳолатни ташкил этди. Инъекцион наркотикларни истеъмол қилувчиларнинг расмий рўйхатга олинган ва «яширин» қисмлари нисбати 1:3 ни ташкил этди.

2015 йилда ўтказилган худди шундай тадқиқот наркотикларни инъекцион истеъмол қилишнинг тарқалганлиги «қайтадан илғаб олиш» усулидан фойдаланилганда 100 минг аҳолига 10,9 ҳолатни ва «кўпайган коэффициентлар» усулини қўллаганда 100 минг аҳолига 9,4 ҳолатни ташкил этди, шунингдек, расмий рўйхатга олинган касалликнинг тарқалганлиги 100 минг аҳолига жами 2,1 ҳолатни ташкил этган. Инъекцион наркотикларни истеъмол қилувчиларнинг расмий рўйхатга олинган ва «яширин» қисмлари нисбати 1:4,5 ни ташкил этди.

Наркотикларни инъекцион истеъмол қилиш динамикасини наркоманияга чалинганларнинг «яширин» контингентини ҳисобга олиб баҳолаш расмий тиббиёт статистика маълумотларига кўра аниқланган Тошкент шаҳрида наркотикларга қарамлик тарқалганлигининг барқарор пасайишга мойиллиги мавжудлигини тасдиқлайди.

Опий наркоманиялари бўйича эпидемиологик вазиятларнинг ижобий ривожланишини бошқа кўрсаткичлар ҳам кўрсатади. 2010 йилдан 2015 йилгача опиоид истеъмол қилувчилар сони гиёҳвандларнинг умумий кўрсаткичидан 84,5%дан 67,5%гача қисқарди. Параллел равишда каннабиноид истеъмол қилувчилар сони ортиб борди. 2005 йилдан 2015 йилгача каннабиниоидларга қарамликнинг ўртача ҳажми 9,0%дан 28,2% гача ортди ($p < 0,001$).

Бу айниқса, наркоманияга чалинишнинг янги ҳолатларини таҳлил қилишда ойдинлашади. Агар 2010 йилда янгидан аниқланган беморлар орасида героин истеъмол қилувчилар 60,2% ташкил этган бўлса, 2015 йилда улар жами 7,7%ни ташкил этди. Каннабиноид истеъмол қилувчилар сони аксинча, 2015 йилга қарши 25,3% дан 60,4%гача ортди ($p < 0,001$).

Наркомания бўйича эпидемиологик вазиятларнинг ижобий ўзгаришлари 15 йил ичида аёллар сонининг 2,7 мартага пасайишини кўрсатди (10,4% дан 3,9 %гача; p <0,045). Агар, 2001 йилда қайд этилган эркак ва аёллар ўртасидаги нисбат 9:1 ташкил этган бўлса, 2015 йил сўнггида у 24:1гача ортди.

Тадқиқот учун гиёҳвандларнинг ёш кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш муҳим қизиқиш уйғотди. 2000 йилда ёш гиёҳвандлар сони (39 ёшгача) 90,1%ни ташкил этди, шунингдек, 40 ёшдан катта шахслар кўрсаткичига жами 9,9% тўғри келди (p<0,001). 2013-2014 йилларда 40 ёшдан юқори шахслар кўрсаткичи ёш беморлар (39 ёшгача)нинг умумий кўрсаткичидан ортди ва 50,2%ни ташкил этди (p<0,001). Бу гиёҳвандлар ёшининг тобора улғайиб уларнинг катта ёшлилар гуруҳига ўтиши ҳисобига “кексайгани”ни ва шу билан бирга уларнинг сафига ёш беморлар оқимининг сезиларли даражада тўхташи ҳисобига эканини кўрсатди.

Бундан ташқари, диспансер кузатувни тўхтатиш сабабларининг таҳлили соғайишга тенглаштирилган ва ҳар қандай психофаол моддаларни истеъмол қилишдан тўлиқ воз кечиш билан тавсифланадиган турғун ремиссия муносабати билан беморларнинг йил сайин рўйхатдан чиқарилиши 2014 йилдан буён ошишга мойил бўлиб, жазога ҳукм этилган ва ўлганлар сонидан ортиб кетди. Шу тариқа, агар 2000 йилда гиёҳвандларнинг диспансер ҳисобидан чиқарилганларининг асосий қисмини жазога ҳукм қилинганлар (рўйхатга олинган беморларнинг умумий сонидан 42,5%и) ташкил этган бўлса, турғун ремиссия сабабли ҳисобдан чиқарилганлар сони (0,6%) унчалик сезиларли бўлмаган, 2015 йилда эса турғун ремиссия (9,2%) билан ҳисобдан чиқарилган гиёҳвандларнинг кўрсаткичлари жазога ҳукм қилинганларнинг (4,1%) кўрсаткичидан 2,2 марта ошди.

Суд-тиббиёт экспертизаси Бош бюросининг маълумотларига кўра, гиёҳванд моддалар дозасини ошириб юбориш натижасидаги ўлим кўрсаткичларининг максимал сони 2005 йилда (53 та ҳолат) қайд этилган ва кейинчалик пасайишга мойиллик аниқланган (2015 йилда фақат 2 та ҳолат). 2012 йилгача ўлим кўрсаткичларининг асосий қисмини опиатлар дозасини ошириб юбориш ташкил этган бўлса, 2013 йилда Тошкент шаҳрида барча ўлим кўрсаткичлари бошқа психофаол моддалар дозасини ошириб юбориш билан боғлиқ бўлган.

Инъекцион наркотикларни истеъмол қилиш натижасида гепатит С вируси тарқалишининг хавф омилларини ўрганиш 2 босқичда олиб борилди. 2012 йилда Тошкент шаҳрида гепатит С вируси юққанлигини аниқлаш мақсадида 113 та инъекцион наркотиклар истеъмол қилувчиларда анкета ва тест сўровномалари ўтказилди. Ижобий натижалар 29,2% ҳолатда аниқланди. 6 ойдан сўнг биринчи босқичда тест натижалари салбий бўлган худди шу беморлар такрорий текширилди, бунда 21,8% гиёҳвандларда ижобий натижа кузатилди. Аниқланишича, вирусли гепатит С аниқланган 67,9% ва вирусли гепатит С аниқланмаган 32,1% беморлар хаёти давомида инъекцион наркотиклар истеъмоли билан боғлиқ бўлган хавфли хулққа эга бўлган (p<0,001). Тадқиқотни бошлагунга қадар сўнгги 12 ой ичидаги беморлар хулқини таҳлил қилиш вирусли гепатит С аниқланган 31,9% ва вирусли

гепатит С аниқланмаган 10,4% беморларда инъекцион наркотиклар истеъмоли билан боғлиқ бўлган хавфли хулқ аниқланди.

Проспектив тадқиқот биринчи босқичида гепатит С вируси аниқланмаган 91,7% бемор сўнгги 6 ой давомида такрорий текширувгача игна орқали гиёҳванд моддаларни юбормаганини кўрсатди ва фақат 8,3% бемор героинни қисқа муддатли ремиссиялар туфайли бўлиниб бўлиниб қолган кундалик истеъмолига йўл қўйган. Сўнгги ой давомида такрорий текширувгача деярли барча беморлар ремиссия ҳолатида бўлишган.

Олинган маълумотлар инъекцион наркотиклар истеъмол қилувчиларнинг наркотиклар дозасини ошириш ва гепатит С вирусининг парентерал тарқалиши хавфи билан боғлиқ бўлган хулқининг наркотиклар истеъмол қилишни тўхтатиш ва хавфли инъекция амалиёти учрашининг пасайиши томонга ўзгарганини кўрсатди.

Диссертациянинг **«Гиёҳванд моддаларга қарамликнинг 15 йиллик ретро ва проспектив тадқиқ этиш маълумотлари бўйича тиббий-ижтимоий асоратлари ва оқибатлари»** деб номланган тўртинчи бобида узоқ муддат клиник-катамнестик кузатувларнинг натижалари келтирилган.

Гиёҳванд моддаларга қарамликнинг тиббий-ижтимоий оқибатлари ва натижалари Тошкент шаҳар наркология диспансерида 2001 йил 01.01гача рўйхатга олинган 860 нафар (775 та эркак, 85 та аёл) гиёҳвандларнинг тиббий ҳужжатларини изчил ўрганиш асосида баҳоланди. 770 киши опиатларга, 59 та бемор –каннабисларга, 31 та бемор – опий-гашиш полинаркоманиясига қарам бўлишган.

Тиббий ҳужжатларни ўрганиш гиёҳванд моддаларга қарамликнинг тиббий-ижтимоий оқибатлари ва натижаларини акс эттирувчи, диспансер назоратини тўхтатиш учун сабаб бўладиган учта асосий кўрсаткичларни ажратиб кўрсатишга имкон берди: қонунбузарлик учун жазога ҳукм қилиш, психофаол моддаларни қабул қилишдан бутунлай воз кечиш (ремиссия) ва ўлим оқибатлари. Улар орасида кўп учрайдигани 40,3% беморда қонунбузарлик учун жазога ҳукм қилиш, 33,4% беморда турғун ремиссия кузатилди. Динамик кузатувнинг тўхтатилишига энг кам сабаб ўлим бўлган – 18,3% беморларда. Эркак ва аёлларда у ёки бу кўринишдаги натижаларда статистик ишончли фарқлар кузатилмади.

Кўпчилик гиёҳвандларда (64,1%) турғун ремиссия шаклланишига қадар гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилишнинг давомийлиги 5 йилдан ошмаган. Опиоид ва каннабиноид қарамлик бўлган беморларда наркотизация давомийлигидаги фарқ эътиборни тортди. Агар 68,3% беморларда опиатларга қарамлик психофаол моддалардан тўлиқ воз кечиш вақтигача касалликнинг давомийлиги 5 йилдан ошмаган бўлса, каннабиноид моддаларга қарам бўлган беморлар орасида давомийлик 5 йилдан кўпроқ вақтни кўрсатди (66,6%). Бунда касалликнинг 6 йилдан 10 йилгача бўлган стажи 36,1% беморда, 11 йилдан 15 йилгача бўлган стаж 30,5% беморда белгиланди. Каннабиноид моддаларга қарам бўлган беморларда турғун ремиссия кўпинча (44,4% ҳолатда) опиат моддаларга қарам бўлган беморларга (12,2% бемор; $p < 0,001$)

нисбатан ишончли спонтан характерга эга бўлган. Олинган маълумотлар опиоид ва каннабиноид моддаларга қарам бўлган беморларда ремиссия шаклланиш механизмида муайян фарқларни кўрсатишга имкон беради. Опиоид қарамликнинг эрта муддатларида турғун ремиссиянинг шаклланиши ижтимоий-психологик омилларнинг кўпроқ таъсир этишини кўрсатади шу билан бирга, каннабиноид қарамликнинг кеч босқичларида спонтан турғун ремиссияларнинг юзага келиши уларни шаклланишида биологик омилларнинг юқори даражада иштирок этишини кўрсатди.

Тиббий ҳужжатлардан аниқланишича, қачонлардир наркотиклар билан боғлиқ бўлган қонунбузарлик учун судланганлар сони 818 (95,1%) кишини ташкил этди, бу эса жиноий жавобгарликка тортилиш наркотикларга қарамликнинг энг кўп учрайдиган ижтимоий оқибатлари деб хулоса чиқаришга имкон беради. Учраши бўйича иккинчи ўринда турувчи наркотикларга қарамликнинг салбий тиббий-ижтимоий оқибати ОИВ инфекциясини юқтириш бўлиб, 181 нафар (21,0%) беморда, жумладан, 5,3% каннабиноид истеъмол қилувчи беморларда аниқланди. Ўлим оқибатлари 157 та (18,3%) беморда кузатилди, беморларнинг кўпчилиги ўпка касалликларидан (22,3%), уларнинг аксарияти туберкулез асоратлари туфайли (18,5%) вафот этишди. Ўлим сабаблари учраши бўйича иккинчи ўринда наркотиклар дозасини ошириш (14,0%) бўлди, ўлим оқибатларининг камроқ учрайдигани юрак қон-томир касалликлари (13,4%), жигар патологияси (11,5%) ва ОИВ/ОИТС (9,5%) сабаб бўлган. Ўлимнинг бошқа сабаблари (онкологик касалликлар, ошқозон-ичак йўли, буйрак патологияси, ўз жонига қасд қилиш ва бошқалар) камдан-кам ҳолатларда учради. Ўлим сабаби сифатида бирон бир патология статистик жиҳатдан ишончли бўлмади. Агар 2010 йилгача ўлганлар орасида 2001-2005 йилларда 75,9% ни, 2006-2010 йилларда 61,6%ни ташкил этган 40 ёшгача бўлган шахслар устун бўлган бўлса, 2011 2015 йилларда ўлим кўрсаткичлари частотасининг 41-60 ёш ва ундан юқори диапазонда аралашгани кузатилди (72,3%; $p < 0,001$).

Ажримларнинг кам (96 нафар бемор; 11,2%) учрашига нисбатан никоҳ муносабатлари давом этишининг кўп учраши (495 та бемор; 57,6%), наркотикларга қарамларнинг ижтимоий адаптациясида оилани сақлаб қолиш маҳаллий шароитларнинг хусусиятларига хослигини асослашга имкон беради.

Шу билан бирга, узоқ вақт давомидаги катамнез кузатувлар наркотикларга қарамликнинг психофаол моддаларни қабул қилишдан бутунлай воз кечиш ва кўп йиллик турғун ремиссияга эришиш (339 нафар бемор; 39,4%) билан ижобий натижаларнинг юқори эҳтимолини кўрсатади, бу кўп ҳолатларда (47 та бемор; 13,9%) спонтан характерга эга бўлган.

Диссертациянинг **«15 йиллик ретро ва проспектив тадқиқот маълумотларига кўра опиоид қарамлик кечишининг клиник вариантларини прогностик баҳолаш»** деб номланган бешинчи бобида беморларнинг преморбиддаги биологик ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ва уларнинг опиоидларга қарамлик кечишининг вариантлари билан боғлиқлигини ретроспектив ўрганиш натижалари, шунингдек, опиоидларга қарамликнинг кечиши ва оқибатларини эҳтимолли прогнози

омилларининг интеграл баҳосини ишлаб чиқиш келтирилган.

Тошкент шаҳар наркология диспансерида 2001 йил 01.01гача рўйхатга олинган 120 нафар беморларни (ҳаммаси эркаклар) батафсил клиник-катамнестик ўрганиш опиоидларга қарам бўлган шахсларда касаллик динамикасида сезиларли фарқ борлигини аниқлади. 51 та (42,5%) бемор соғайиб кетишга тенглаштирилган турғун ремиссияга (3 йилдан ортиқ) эришиб, опиоидларга қарамликнинг ремиссияли кечиши кузатилди (1 гуруҳ). Бу беморларда турғун ремиссия шакллангунга қадар опиатларга ружу қўйиш давомийлиги 11 йилдан 15 йилгачани ташкил этди, бунда ўртача кўрсаткич - 12,8 ± 0,9 йил бўлди. Опиатларни қабул қилишдан воз кечиш барча ҳолатларда ижтимоий-психологик омиллар таъсирига боғлиқ бўлган. Беморларга уларнинг ижтимоий мавқеига ёки биологик тириклигига таҳдид солувчи ҳаётий вазиятлар руҳий таъсир кўрсатган. Уларга оилавий муносабатларни узиш (37,3% беморлар), мавқеини йўқотиш (29,4%), соғлигига зиён етказиш (23,5%), жазога ҳукм қилиш (9,8%) вазиятлари кирди.

43 та (35,8%) беморда опиоид қарамликнинг регредиент кечиши кузатилди ва бу опий наркоманиясининг алкоголга қарамликка трансформацияланиши оқибатида опиатларни кўп йиллар давомида буткул қабул қилмаслик билан тавсифланади (2 гуруҳ). Алкоголга қарамликка тўлиқ ўтишгача опиатларга қарамлик давомийлигининг ўртача кўрсаткичи 10,1±1,7 йилни ташкил этди. Беморларнинг бир қисми (46,5%) опиатларни қабул қилишдан онгли равишда воз кечишгандан сўнг опий абстиненцияси юзага келишини енгиллатиш мақсадида алкогол ичимликларга ўтишни сабаб қилишган. Шу билан бирга, беморларнинг кўпчилиги (53,5%) одатдаги наркотиклари йўқлигида алкоголдан эйфория ҳолатига эришиш воситаси сифатида фойдаланишган.

26 нафар (21,7%) беморда опиоид қарамликнинги прогредиент кечиши фарқланган ва бу касалликнинг оғир кўринишлари ортиши билан кўп йиллар давомида узлуксиз опиоидга қарамлик, икки ёки бир нечта психофаол моддаларга полиқарамлик шаклланиши оқибатида бошқа психофаол моддаларни қўшиш билан тавсифланади (3-гуруҳ). 3 – гуруҳ беморларида героинга қарамликнинг давомийлиги кейинчалик героинни кодеин препаратларни вена томири орқали юборишга алмаштириш билан ўртача 11,4±0,7 йилни ташкил этди. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш моделларининг кейинги ўзгаришлари асосий наркотик сифатида трамадол қабул қилишга ўтиш 76,9% ҳолатда уни парентерал йўл билан юборишдан воз кечиш, опиатларнинг прегабалин билан қўшиш (100 беморларда), алкогол билан алмаштириш (50% беморлар) ёки уйқу дори воситалари билан алмаштириш (23,1% бемор) билан кузатилди. Беморларнинг бир қисми (23,1%) трамадолни перорал қабул қилиш билан бир қаторда озиқавий мақдан қўлбола тайёрлаш усули билан опий препаратларини вена томири орқали номунтазам юбориб туришган. Героинни опиоид гуруҳдаги бошқа наркотиклар билан алмаштириш кўпчилик беморларда (76,9%) бу гиёҳванд моддани қўлга киритиш имконияти йўқлигига ва фақат 23,1% беморда - героиннинг хохишни қондирувчи таъсири йўқолганлиги асос бўлган.

Тадқиқот давомида, касалликнинг кечишига таъсир кўрсата оладиган ва унинг прогнози учун мезон бўлиб хизмат қила оладиган комплекс омиллар аниқланди. Наслий мойиллик бўлган опиоид қарамликнинг вариантлари кечишининг (Пирсонга боғлиқ коэффициент С=0,22), перинаталь патология (С=0,17), илгари мия суяги жароҳатлари ва соматик касалликлар мавжудлигида (С=0,17), шунингдек, кўриниш даражаси каби ижтимоий омиллар (С=0,26), ота-она (С=0,14) ва касалликка қадар оиласи мавжудлигида (С=0,20) статистик жиҳатдан муҳим ўзгариши аниқланмади

